

10. Абдувалиев А.А., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Мирагзамов М.М., Сабилов М.З. Основы стандартизации, сертификации и управления качеством. Учебное пособие. Ташкент. Из-во «Fan va technology» 2005. –с 535.

11. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Джаббаров Р.Р., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. Учебное пособие, Ташкент, НИИСМС, 2007. – 555 с.

12. Артемьев Б.Г., Юрин А.И. Основы сертификации. Учебное пособие - Московский государственный институт электроники и математики. М., 2011. - 73 с.

13. Димов Ю.В. Метрология, стандартизация и сертификация: учебник. Изд-во «Питер», СПб, 2013. –496 С.

14. Панорядов, В.М. Сертификация: учебное пособие / В.М. Панорядов, С.В. Пономарев. – Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2008. – 96 с.

Интернет сайтлари


1. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
2. <http://www.standart.uz> – “Ўзстандарт” агенлиги
3. <http://www.smsiti.uz> - Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти
4. <http://www.easc.org.by> – Межгосударственный Совет по стандартизации, метрологии и сертификации Содружества Независимых Государств.
5. <http://www.zivonet.uz> – Таълим портали
6. <http://www.window.edu.ru> – Бутун Россия таълим портали

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5310900 – 3.08

2018 йил “26” 05



СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	300 000 – Ишлаб чиқариш техника соҳаси
Таълим соҳаси:	310 000 – Мухандислик иши
Таълим йўналиши:	5310900 – Метрология, стандартлаштириш ва махсулот сифати менежменти (саноат)

ТОШКЕНТ – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “14” 06 даги 531 - сонли буйруғининг 10 -илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “26” 05 даги 2 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент давлат техника университетиде ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Тураев Ш.А. – “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” кафедраси доценти, т.ф.н.;
- Жабборов Х.Ш. – “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” кафедраси, катга ўқитувчи;
- Исматуллаев П.Р. – Тошкент кимё технология институти “Маҳсулот сифати менежменти” кафедраси профессори, т.ф.д.

Такризчилар:

- Шипулин Ю.Г. – ТДТУ, “Бошқарувда ахборот технологиялари” кафедраси профессори т.ф.д.
- Махмудов Х.М. – Ўзстандарт агентлиги бош мутахассиси, доцент, ф-м.ф.н.

Фан дастури Тошкент давлат техника университети Кенгашида куриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил “29” 12 даги 4 - сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу фан иқтисодиётда маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштиришда сифатни назорат қилиш, сифатни таъминлаш ва сифатни бошқаришнинг тавсифлари, уларнинг сифат кўрсаткичлари ва синаш усуллари, меъёрий хужжатлар билан таъминланиши, фан ва ишлаб чиқаришни ривожланиш истикболи ҳамда республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижалари ва сертификатлаштириш соҳасида халқаро муаммолар, қўлланиладиган схемалар, усуллар, воситалар ва меъёрий хужжатлар билан таъминланиш масалаларини қамрайди.

“Сертификатлаштириш асослари” фанинг аҳамияти халқаро савдо тизимида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг интеграциялашуви билан алоқадор метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маҳсулот сифат менежменти йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлаш соҳасидаги вазифаларни қамраб олган.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатни бошқариш ва сифатни таъминлашда сертификатлаштириш фаолияти ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сифатини кафолатланиши, мувофиқлигини холисона баҳолаш ва рақобатбардошлиги таъминлаш, ишлаб чиқариш технологияларини ривожланиши билан маҳсулотларни сертификатлаштириш муҳим ўрин тутди.

Шунинг учун маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш жараёнига алоҳида талаблар ва вазифалар қўйилган. Ишлаб чиқариш, маҳсулот ва хизматлар ҳамда ходимларни сертификатлаштириш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш, сертификатлаштириш объектларини экспорт қилишга тайёрлаш, уларнинг таннархини ва сарфланадиган харажатларни камайтиришнинг ташкилий масалаларини ёритиб беради. Шу сабабли ушбу фан асосий мутахассис фани ҳисобланиб, ишлаб чиқариш технологик тизимининг ажралмас бўғини бўлиб ҳисобланади.

Мазкур фан ўқув режасидаги “Стандартлаштириш асослари”, “Маҳсулот сифати назорати”, ва “Сифат менежменти тизими” каби фанлар билан узвий боғлиқдир. Фанни ўрганишда

табiiй фанлардан олинган назарий ва амалий билимлар зарур бўлса, ўз навбатида бу фандан олинган билимлар мутахассислик фанларининг умумий назариясини чуқур ўзлаштиришда кўприк вазифасини ўтайди.

Ушбу фан метрология асослари, стандартлаштириш асослари фанлари билан узвий боғлиқ ҳолда ўқитилиши лозим.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фани ўқитишдан мақсад – талабаларда маҳсулот ва хизматлар, корхона сифат менежменти тизимини ҳамда ходимларни сертификатлаштириш жараёнларида қўлланиладиган турли сертификатлаштириш схемалари, сертификатлаштиришнинг шакллари, синов лабораторияларини ташкил қилиш, синов турлари, сертификатлаштириш ва синов натижаларини расмийлаштириш ҳамда муайян шароитларга мос ҳолда сертификатлаштиришни ташкиллаштириш бўйича йўналиш хусусиятига мос назарий ва амалий билим, кўникма ва малака шакллантиришдир.

Фанининг вазифаси – уни ўрганувчиларга:

- маҳсулотлар рақобатбардошлигини аниқлаш ва сифатини расман тасдиқлаш борасида ишлаб чиқаришни, маҳсулот ва хизматларни, шунингдек, ходимларни сертификатлаштиришнинг бўйича ишларни ўтказиш усуллари ва воситаларининг назарий жиҳатлари ҳамда маълум саноат маҳсулотлари ва иқтисодиётдаги кўрсатилаётган хизматлар учун уларни меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган талаблар бўйича сертификатлаштиришга ўргатишдан иборат.

Ушбу фан талабаларга сертификатлаштириш фаолиятига асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлар, синовлар ҳамда натижаларни расмийлаштириш, саноанти ривожланган мамлакатларнинг сертификатлаштириш бўйича миллий идоралари тўғрисида билимларни шакллантиради.

“Сертификатлаштириш асослари” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

– сертификат, сертификат турлари ва сертификатлаштириш фаолиятлари тўғрисида; сертификатлаштириш бўйича халқаро, ҳудудий ва миллий ташкилотларнинг фаолиятлари ва тузилмаси тўғрисида; маҳсулот ва хизматларининг сифатини кафолатловчи

ҳужжатлар ҳақида; савдодаги техник тўсиқлар ва маҳсулотларнинг экспорт ва импорт жараёнлари ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*;

– Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими; сертификатлаштириш миллик тизимининг мақсад ва вазифаларини; сертификатлаштириш схемалари, сертификатлаштириш идоралари, синов лабораториялари ва марказларини; маҳсулот, хизмат, жараён, тизимлар ва ходимларни сертификатлаштириш тартибларини; сертификатлаштирилган маҳсулотлар, хизматларни ва сифат тизимларини инспекцион назоратини ўтказиш ва аниқ шароитлар учун сифат кўрсаткичларини аниқлаши ва танлаш усулларини; сертификатлаштириш схемаларни танлаш, маҳсулотларнинг мувофиқлик сертификати расмийлаштириш ва мувофиқлик белгисидан фойдаланиш қоидаларини; халқаро, ҳудудий сертификатлаштириш фаолиятлари, сертификатлаштириш билан боғлиқ бўлган меъёрий ва илмий-техник ҳужжатларни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

– ишлаб чиқариш, маҳсулотлар ва хизматлар ҳамда ходимларни аниқ шароитлар учун техник-иқтисодий асосланган ҳолда сертификатлаштиришни тўғри ташкиллаштириш; сертификатлаштириш объектларининг оптимал кўрсаткичлари ва сифатини баҳолаш мақсадида усулларни танлаш; сертификатлаштириш объектларни бошқа тармоқлар билан алоқадорлигини таҳлил қилиш; маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини ва назорат параметрларини тўғри аниқлаш *кўникмаларига эга бўлиши керак*;

– маҳсулот, хизмат ва жараёнларни меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш; сертификатлаштиришни техник-иқтисодий самарадорлиги аниқлаш ва мувофиқликни баҳолаш усулларини қўллаш, маҳсулотларни синаш ва сертификатлаштириш синовлари жараёнларини тўғри ташкил қилиш, муайян сертификатлаштириш идорасида сертификатлаштириш ишларни тақил қилиш *малакаларига эга бўлиши керак*.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

2.1. Маъруза машғулотлари.

1-Модул. Сертификатлаштиришнинг умумий қоидалари.

1-мавзу. “Сертификатлаштириш асослари” фанига кириш.

Фаннинг мақсади ва вазифалари. Сертификатлаштириш бўйича халқаро ташкилотлари ва ISO, ISO/IEC, ILAC ташкилотларининг фаолиятлари.

2-мавзу. Сертификатлаштириш фаолияти

Сертификатлаштиришнинг ривожланиши, Сертификатлаштиришнинг қонуний ва меъёрий асослари.

3-мавзу. Сертификатлаштириш бўйича асосий тушунчалар.

Сертификатлаштириш миллий тизимига оид асосий қоидалар (O‘z DSt 5.0) Сертификатлаштириш тизимининг мақсади, вазифалари ва фаолият турлари.

4-мавзу. Хорижий сертификатлаштириш тизимлари.

Халқаро, ҳудудий ва миллий миқёсда сертификатлаштиришнинг ривожланиши. Европа давлатлари, Америка, Англия, Германия, Франция, Туркия, Хитой ва Россия давлатлари сертификатлаштириш тизимлари ва уларнинг фаолияти.

2-Модул. Сертификатлаштириш тартиби ва жараёнлари.

5-мавзу. Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштириш фаолияти.

Ўзбекистон Республикасининг миллий сертификатлаштириш тизими. Сертификатлаштиришни ўтказиш асосий босқичлари.

6-мавзу. Сертификатлаштириш миллий тизимида қатнашувчи идоралар.

Сертификатлаштириш миллий тизимининг ташкилий тузилмаси. Сертификатлаштиришда қатнашувчи идораларнинг вазифалари. Сертификатлаштириш объектлари ва субъектлари.

7-мавзу. Ўзбекистон Республикасида маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби.

Маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидалари ва тартиби.

8-мавзу. Мувофиқликни тасдиқлаш ва баҳолаш учун маҳсулотни синаш.

Сертификатлаштиришда маҳсулотни синаш. Сертификатлаштириш натижаларини расмийлаштириш. Сертификат-

лаштирилган маҳсулотларни давлат рўйхатига олиш.

9-мавзу. Хизматларни сертификатлаштириш.

Хизматларни сертификатлаштириш тартиби. Хизматларни сертификатлаштириш схемалари. Хизматларни баҳолаш усуллари.

10-мавзу. Сертификатлаштирилган объектларни инспекцион назорати.

Сертификатланган маҳсулот, хизмат, жараён, сифат тизими ва ходимларни инспекцион назоратини ўтказиш.

3-Модул. Аккредитлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш.

11-мавзу. Ўзбекистон Республикаси аккредитлаштириш миллий тизимининг асосий қоидалари.

Ўзбекистон Республикасининг “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги қонун. Аккредитлаштириш, аккредитлаштириш тизимининг ташилиш тузилмаси.

12-мавзу. Ўзбекистон Республикасида

аккредитлаштириш тартиби асосий қоидалари.

Аккредитлаш тамойиллари, аккредитлаштириш тартиби ва инспекцион назорати.

13-мавзу. Синов лабораторияларини аккредитлаш.

Синов лабораторияларини ташкиллаштириш, синовларни ўтказиш, синов лабораторияларига O‘zDSt ISO/IEC 17025 стандарти талаблари, аккредитлаштиришга тайёрлаш босқичлари, уларнинг мақсад ва вазифаси.

14-мавзу. Сертификатлаштириш идораларига бўлган умумий талаблар

Маҳсулот ва хизматларини сертификатлаштириш идораларига O‘zDSt ISO/IEC 17065 стандарти талаблари. Сертификатлаштириш идораларини ташкиллаштириш, вазифалари ва фаолияти.

15-мавзу. Менежмент тизимларини

сертификатлаштириш идораларига умумий талаблар

Менежмент тизимларини сертификатлаштириш идораларига O‘zDSt ISO/IEC 17021 стандарти талаблари. Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш идоралари ва уларни ташкиллаштириш.

16-мавзу. Ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш.

Ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш қоидалар. Ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш тартиби. Сертификатлаштиришда ишлаб чиқаришни баҳолаш ва кузатиш.

17-мавзу. Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш.

О'zDSt ISO 9001:2015 стандарти талаблари асосида сифат менежменти тизими ва тамойиллари. Сифат тизимларини сертификатлаштиришнинг асосий қоидалари ва О'zDSt ISO 19011 стандарти, сифат тизимларини сертификатлаштиришни ўтказиш тартиби.

18-мавзу. Сифат менежменти тизимини текшириш.

Аудит ва аудит турлари. Аудит. О'zDSt ISO 19011 халқаро стандарти. Сифат тизимини ички, ташқи, учинчи томон аудитлари, аудит турлари.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулот бўйича қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Сертификатлаштириш фаолиятига алоқадор Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонунини шарҳлаш.

2. Сертификатлаштириш асосларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва асос бўлувчи стандартларни ўрганиш.

3. Сертификатлаштириш схемаларини ўрганиш.

4. Маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидаларини ўрганиш.

5. Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини ўрганиш.

6. Мувофиқлик сертификати бланкани тўлдиришни ўрганиш. Сертификатлаштириш бўйича ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқиш.

7. Маиший электротехника буюмларини сертификатлаштириш синовларини ўтказиш ва синов натижаларини расмийлаштириш ўрганиш (“Ўзстандарт” агентлиги синов лабораториясида).

8. Текестель ва полимер маҳсулотларини сертификатлаштириш синовларини ўтказиш синов натижаларини расмийлаштириш ўрганиш (“Ўзстандарт” агентлиги синов лабораториясида).

9. Хизматларни сертификатлаштиришда комплекс сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва сифатини баҳолаш усуллари.

((

10. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган ва четга чиқарилаётган товарлар, уларни мажбурий сертификатлаштириш тартиби.

11. Сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораторияларини аккредитлаштириш тартибини ўрганиш.

12. Аккредитланган синов лабораторияси ҳужжатларини ўрганиш.

13. Сертификатлаштирилган маҳсулот ва хизматлар устидан инспекцион назоратини ўтказиш қоидаларини ўраниш.

14. Аккредитланган сертификатлаштириш идоралари ва синаш лабораториялари устидан инспекция назоратни ўтказиш.

15. Сертификатлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

16. Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш режасини ишлаб чиқиш. Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш режасини ишлаб чиқиш. Сертификатлаштириш дастурини ишлаб чиқиш.

17. Ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш, корхона сифат менежменти тизими ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларнинг таркибини ўрганиш.

18. Сертификатланган сифат менежменти тизими ички аудитини ўтказиш ва ички аудит натижаларини расмийлаштириш.

Амалий машғулотлар мультимедиа курулмалари билан жиҳозланган аудиторияда машғулотларни ташкил этишда талабаларни гуруҳларга бўлиб, экспертли таҳлил қилиш ва баҳолаш, мунозаралар юритиш, ақлий ҳужум, муаммоли вазиятлари ҳал қилиш, муайян меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, синов турлари бўйича ишларни ўрганиш, сертификатлаштириш бўйича ҳужжатларни тўпламини яратиш, синов лабораториясидаги жараёнларни ва сертификатлаштириш натижаларини расмийлаштиришга эътибор қаратилади.

V. Мустақил ишлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Ўзбекистонда сертификатлаштириш фаолияти ва ташкилий тузумаси;

2. Сертификатлаштиришнинг қонуний ва ҳуқуқий асослари;

3. Сертификатлаштириш шаклари ва турлари;
4. Сертификатлаштириш ва аккредитлаштириш фаолиятларининг ҳуқуқий асослари;
5. Аккредитлаштириш ва аккредитлаштириш тизимлари;
6. Сертифиатлаштиришнинг иктисодий самарадорлиги;
7. Хорижий мамлакатларда сертикатлаштириш ва аккредитлаштириш фаолиятлари;
8. Хорижий давлатларда мувофиқликни баҳолаш тажрибалари ва амалиёти;
9. Сертификатларнинг ўзаро тан олинishi механизмлари;
10. Халқаро ва минтақавий сертификатлаштириш амалиёти ва ташкилотлар.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

Аудиториядан ташқарида талаба дарсларга тайёрланади, адабиётларни конспект қилади, уй вазифа сифатида берилган топшириқларни бажаради ва мисоллар ечади. Бундан ташқари айрим мавзуларни кенгроқ ўрганиш мақсадида қўшимча адабиётларни ўқиб рефератлар тайёрлайди ҳамда мавзу бўйича тестлар ечади. Мустақил таълим натижалари рейтинг тизими асосида баҳоланади.

3. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлари ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. Laura Taylor. FISMA Certification & Accreditation Handbook. Copyright © 2007 by Syngress Publishing, Inc. 530 page
2. John C. Davis Certification and Accreditation Process Handbook for Certifiers, July 1996. Approved for Public Release: Distribution Unlimited. National Computer Security Center.
3. Исматуллаев П.Р., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Аъзамов А.А. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. –Т.: Ўзбекистон, 2001. - 360 б.

4. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.

5. Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. “Lisson-press”, Тошкент, 2014. -423б.

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 56 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза 2016 йил 7 декабрь. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 48 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488б.

4. Ўзбекистон Республкасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. - Т.:2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сонли Фармони.

5. Абдувалиев А.А., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Мирагзамов М.М., Сабиров М.З. Основы стандартизации, сертификации и управления качеством. Учебное пособие, Ташкент. Из-во «Fan va technology» 2005. –с-535.

6. Сергеев А.Г. Латышев М.В. Сертификация. Учебное пособие. Москва «Логос», 2000. – 248 с.

7. Никифоров И.К. Основы сертификации: Учебное пособие. - Улан-Удэ: Изд-во ВСГТУ, 2003. - 76 с.

8. Олефирова А.П. Сертификация услуг: Учебное пособие. – Улан-Удэ. Изд-во ВСГТУ, 2005. – 140 с.

9. Исматуллаев П.Р., Ахмедов Б.М. и др. Основы системы менеджмента качества: Учебное пособие. Ташкент, 2009. – 208 с.